

# Маҳаллалар инфратузилмаси яхшилаш бўйича ишлар олиб борилмоқда



Маҳаллаларда биринчи навбатда амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар дастурига асосан Қумқўрғон туманидаги маҳаллаларнинг мавжуд ички йўлларида тошлаш ва таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Хусусан, Бўстон маҳалласидаги Қизил қоя кўчасида 2.2 км, Шерози маҳалласидаги Дашнабод кўчасида 2 км, Уяс маҳалласининг марказий кўчасида 4.6 км, Янги ҳаёт маҳалласидаги тўртта кўчада 5.6 км ички йўлларда тошлаш, текислаш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Шунингдек тумандаги бошқа маҳаллаларда ҳам ички йўлларни тошлаш-таъмирлаш ишлари давом этмоқда.